

№ S/4 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS ОBYEKTALARINING O'RNI	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИННИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	79-90
<i>Абдуллаҗанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН	96-102

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI	217-222

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ 223-229

Agzamova Nargiza Gapurovna
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN 230-237

Муродова Дилноза Чориевна
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ 238-245

Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING
FUNKSIYALARI 246-250

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ
ҮРНИ 251-259

Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI
TAKOMILLASHTIRISH 260-265

Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING
MUSHTARAKLIGI 266-271

Khamdamova Sitora Safarovna
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA
XOSLIGI 272-277

Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО
ЧЕЛОВЕКА 278-283

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Xasanov Akbarjon Abdurashidovich
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK
BIRLIKlar BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR 284-292

Qurbanova Muharram Jurabekovna
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI 293-297

Сафарова Замира Рустамовна
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК
ТАСНИФИ 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI	343-348
-------------------------------------	---	---------

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	363-372
--	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ"	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	393-399
----------------------------------	---	---------

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ	410-415
-------------------------------------	---	---------

Xaydarova Iroda Nizomiddinovna

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

Шукрова Нафиса Алишеровна

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ 422-427

Nigmanov Bori Botirovich

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING
AHAMIYATI 428-433

Муродова Дурдона Раимжон қизи

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯСИ 434-438

Axmedov Alisher Nosir o'g'li

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI 439-447

Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI 448-452

Mansurbekova Feruza Gayratovna

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 453-456

Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI 457-465

Atamuratova Munira

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL
METODLAR TAVSIFI 466-471

Нурилло Эминов

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА
БИР НАЗАР 472-476

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Юлдашев Обиддин,
Тошкент молия институти
“Суғурта ва пенсия иши” кафедраси доценти, и.ф.д.
Тошкент, Ўзбекистон. Email: obiddin@inbox.ru
ORCID: 0000-0002-9640-8128

Махлиё Мамбетқулова,
Тошкент молия институти
Солиқлар ва суғурта факультети талабаси
Тошкент, Ўзбекистон. Email: mahliyom364@gmail.com

ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада исломий суғурта (такафул)нинг иқтисодий моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган, исломий суғуртанинг ишлаш модели, яъни такафул фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизми келтирилган, миллий суғурта бозорида исломий суғурта хизматларини жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: исломий суғурта, ғарап, майсир, рибо, такафул, такафул фонд, табарру, ўзаро суғурта, ўзаро ёрдам.

Обиддин Юлдашев,
д.э.н., доцент кафедры «Страховое и
пенсионное дело» Ташкентского финансового института
Ташкент, Узбекистан. Email: obiddin@inbox.ru
ORCID: 0000-0002-9640-8128

Махлие Мамбеткулова,
студентка факультета Налоги
и страхование Ташкентского финансового института
Ташкент, Узбекистан. Email: mahlyom364@gmail.com

ИСЛАМСКОЕ СТРАХОВАНИЕ (ТАКАФУЛ) И ЕГО ОСОБЕННОСТИ

Аннотация. В данной статье освещается экономическая сущность и особенности исламского страхования (такафул), представлена операционная модель исламского страхования, то есть механизм формирования и использования такафул-фонда, разработаны предложения, направленные на внедрение и развитие исламских страховых услуг на национальном страховом рынке.

Ключевые слова: исламское страхование, ғарап, майсир, рибо, такафул, такафул-фонд, табарру, взаимное страхование, взаимопомощь.

Obiddin Yuldashev,
doctor of economics,
associated professor of the department of "Insurance
and pension affairs", Tashkent Institute of Finance
Tashkent, Uzbekistan. Email: obiddin@inbox.ru
ORCID: 0000-0002-9640-8128

Makhliyo Mambetkulova,
student of the Faculty
of Taxes and insurance, Tashkent Institute of Finance
Tashkent, Uzbekistan. Email: mahlyom364@gmail.com

ISLAMIC INSURANCE (TAKAFUL) AND ITS FEATURES

Abstract. This article highlights the economic essence and features of Islamic insurance (takaful), the operating model of Islamic insurance, that is, the mechanism for the formation and use of a takaful fund was presented, proposals were developed aimed at the introduction and development of Islamic insurance services in the national insurance market.

Key words: islamic insurance, gharar, maysir, ribo, takaful, takaful fund, tabarru, mutual insurance, mutual aid.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N13>

Кириш. Суғурта соҳаси мамлакат молия тизимининг энг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Аммо, замонавий дунёда анъанавий суғурта турлари ҳар доим ҳам шариат қоидаларига амал қиласиган аҳолининг эътиқоти ва қарашларига мос келавермайди. Жумладан, ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар қатори юртимизда ҳам амалда қўлланилаётган анъанавий суғурта тизими ўзида рибо (фоиз), ғарар (ноаниқлик) ва майсир (қимор) элементларининг мавжудлиги билан мусулмон аҳолининг диний ақидаларига тўғри келмайди. Ана шундай шароитда, исломий суғурта (такафул) турлари ўзининг иштирокчилари ўртасида ўзаро муносабатлар механизмининг очиқ ойдин белгиланганлиги билан ўзига хослигини кўрсатади. Шу жиҳатдан, мусулмон бўлмаган давлатларда ҳам исломий суғурта (такафул) бозорига халқаро даражада қизиқишлиар ортиб бормоқда.

Шариат қонунларида белгиланган чекловларга қарамай, кўпчилик мусулмонлар заруратдан келиб чиқиб, анъанавий суғурта хизматларидан фойдаланганлар. Чунки, шариат талабларига жавоб берадиган суғурта турлари пайдо бўлгунга қадар мусулмонлар анъанавий суғурта хизматларидан фойдаланишга мажбур бўлган. Бироқ, мусулмон давлатларида исломий суғурта (такафул)нинг жорий этилиши анъанавий суғуртадан фойдаланишни тўхтатиб, фақат исломий суғурта (такафул)дан фойдаланиш мажбуриятини белгилаб қўйди.

Такафул исломий суғурта тури бўлса-да, у нафақат мусулмон мамлакатларида, балки бошқа (АҚШ, Буюк Британия, Люксембург ва Япония) мамлакатларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Чунки, исломий суғурта (такафул) номусулмон суғурта қилдирувчилар учун ҳам жозибадор ҳисобланади, қолаверса, анъанавий суғуртага нисбатан ҳам фойдалироқ ва ҳам ахлоқийроқdir.

Исломий суғурта (такафул) бутун дунёда тез суръатлар билан машҳур бўлиб бораётган ёш суғурта институти ҳисобланади. Жаҳон суғурта бозоридаги йиллик суғурта мукофотларининг салкам 0,1%и такафул ҳиссасига тўғри келади. Исломий

мамлакатларда такафулни ташкил этилиши билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиш натижалари суғурта бозорининг ушбу сектори жадал ривожланаётганлигидан далолат беради. Замонавий дунёда деярли ҳар бешинчи кишининг ислом динига эътиқод қилишини, охирги 50 йил ичida ер юзида мусулмонлар сони 235 фоизга ошганлигини ва ҳозирда 1,6 миллиард кишини ташкил этишини ҳисобга олсак, исломий суғурта (такафул)нинг ривожланиши янада долзарб бўлиб бормоқда [1].

Аммо, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ҳамма мамлакатларда ҳам исломий суғуртани жорий этишнинг институционал, қонунчилик ва ташкилий механизмлари шаклланмаган, шу сабабли миллий суғурта тизимига уни жорий қилишда турли қийинчиликлар юзага қелиши мумкин.

Адабиётлар шарҳи. Исломий суғурта хизматлари ва уларни ривожлантириш масалалари халқаро суғурта амалиётида кўп йиллар давомида ўрганилаётган тадқиқот мавзусидир. Шу сабабдан, исломий суғуртанинг назарий жиҳатлари адабиётларда кенг муҳокама қилинган. Жумладан, А.Андаронова такафул тушунчаси ва унинг моҳиятини, шу билан бирга, исломий суғурта (такафул)га бағишлиланган муаммоларни чукур ўрганган. Мусурмон давлатлар иқтисодиётида исломий қайта суғурталаш масалаларини ҳам алоҳида таҳлил ва тадқиқ қилган [2].

Магомадова М.М. минтақавий иқтисодиётда исломий суғуртани ривожлантириш имкониятларини ҳар томонлама асосланган ҳолда ўрганган. Минтақадаги суғурта хизматлари бозорининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил этган ҳолда мамлакат иқтисодиётида исломий суғуртани ривожлантириш имкониятларини кўрсатиб берган [3].

Беккин Р.И. ҳозирги вақтда такафул компаниялари акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши афзалроқ деган холосага келган. Чunksи, исломий жиҳатдан манфаатдор бўлган бир қанча мижозларнинг эҳтиёжларини бир вақтда қондира олмаган компаниялар суғурта хизматлари хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, суғурта қилдирувчи мижозларга такафул хизматларини таклиф қила олмайдилар [4].

Логвинова И.Л. ўзаро суғуртада бўлгани каби, суғурта ҳодисаси натижасида такафул фонди аъзоларига етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун суғурта фондини тузиш зарурлигини эътироф этган [5].

Ракаан Каялининг фикрича, суғурта қилдирувчилар (такафул иштирокчилари)дан олинадиган суғурта мукофотларининг таркиби ва такафул фондининг молиявий схемаси тижорат суғуртаси ва анъанавий ўзаро суғурталашдаги суғурта мукофотининг таркибига қараганда анча мураккаб, чunksи, такафул фонди маблағлари икки қисмга бўлинади: ҳимоя қилиш учун мўлжалланган табарру фонди ва инвестиция учун мўлжалланган мудораба фондига [6].

Гезиханов Р.А. ўзининг ёндашувларида ҳар бир суғурта қилдирувчи (такафул фонди иштирокчиси)нинг ўзаро ёрдам руҳидаги ҳиссаси “ҳадя (табарру) ёки ўз улушкини ихтиёрий равишда хайрия қилиш” ҳамда ёрдамга муҳтоҷ бўлган суғурта қилдирувчиларга ёрдам кўрсатиш исломий суғуртага хос жиҳатлар эканлигини таъкидлаган [7].

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, суғурта муносабатлари тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Суғурта муносабатларининг асосини биринчи навбатда, ўзаро ёрдам ва зарарни қайта тақсимлаш имконияти ташкил қиласди. Ана шундай хусусиятларни ўзида жамлаган исломий суғурта ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатларнинг суғурта бозорларида кенг тарқалган, қолаверса, жаҳон суғурта бозорида ҳам муваффақиятли ривожланиб, мусулмон аҳоли орасида машхур бўлиб бормоқда.

Такафул арабчадан таржима қилинганда ўзаро кафолат бериш деган маънони англатиб, шариат қонунларига асосланган такафул оператори ва такафул фонди иштирокчилари ўртасида фойда ва заарларни тақсимлаш механизмига асосланган исломий суғурта тизими ҳисобланади. Исломий суғурта хизматларининг асосий мақсади такафул фонди иштирокчиларини жабрланувчиларнинг заарларида биргаликда иштирок этиши орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Бир вақтнинг ўзида, анъанавий (тижорат) суғурта шариатнинг бир қатор қоидаларига мос келмаслиги, чунончи, исломий хукуқшунослар унда мусулмон эътиқоди нуқтаи-назаридан таъқиқланган учта элемент мавжудлигини эътироф этишади: ғарар (ноаниқлик), майсир (қимор) ва рибо (судхўрлик).

Ғарар (ноаниқлик)ни енгиш учун такафул шартномаси аниқ, тўлиқ ошкор ва шаффоф бўлиши лозим. Агар, камида битта номаълум хавф мавжуд бўлса, такафул шартномаси тузилмайди.

Такафул шартномасида майсир (қимор)ни бартараф этиш учун рискларни тақсимлашда спекулятив элемент бўлмаслиги лозим, бунда, суғурта муносабатлар ўзаро ҳимоя (таавун) асосида қурилади.

Рибо (судхўрлик)ни истисно қилиш учун иштирокчиларнинг такафул фондидағи ҳиссасига анъанавий суғуртадаги каби суғурта мукофот сифатида эмас, балки эҳсон, ҳадя (табарру) сифатида қаралади.

Шундай қилиб, суғурта қилдирувчи (иштирокчи)ларнинг ихтиёрий бадаллари (табарру) ҳисобидан кутилмаган ноxуш ҳодисалар юз берганда ўзаро молиявий ҳимоя (таавун)ни таъминлаш учун фойдаланиладиган маҳсус суғурта (такафул) фондини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар тизимига такафул дейилади.


Такафул иштирокчилари ва субъектлари ўртасидаги ўзаро таъсир механизми қуйидагилардан иборат: такафул иштирокчилари бир-бирига молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзолайдилар; такафул шартномасида кўрсатилган воқеа содир бўлган тақдирда, шу иштирокчига жамғарма (табарру) маблағлари ҳисобидан суғурта товони тўлаб берилади; такафул иштирокчилари барча хавф ва йўқотишларни ўзаро тақсимлайдилар; суғурта (такафул) фондида маблағ етишмаган тақдирда, иштирокчилар ўз маблағлари ҳисобидан компенсация тўлаш учун биргаликда жавобгар бўладилар.

Ўз навбатида, такафул оператори иштирокчиларнинг рискларини ўз зиммасига олишда иштирок этмайди, фақат такафул фондини шакллантиради ва бошқаради. Шунингдек, такафул фондининг маълум бир қисми оператор томонидан инвестиция фондларига йўналтирилади, унинг ҳисобидан иштирокчилар инвестицион даромадлар олиш имкониятига эга бўлади.

Инвестиция фондига ўтказиладиган бадаллар улушкининг миқдори шартномада олдиндан келишиб олинади, қоида тариқасида, у 50-60% ни ташкил қилиши мумкин [3]. Аммо, такафул инвестиция фаолиятига маълум бир чекловлар ҳам мавжуд. Такафул фондининг маблағлари оператор томонидан фақат шариат қоидаларида таъқиқланмаган фаолият турларига инвестиция қилиниши мумкин. Масалан, қурол-яроғ ишлаб чиқариш, қимор ўйинлари, ресторон ва меҳмонхона бизнеси, шунингдек, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компанияларнинг акцияларидан даромад олиш тақиқланади [3]. Исломий суғурта қоидаларига қўра, такафул операторлари Dow Jones исломий молия бозорлари индексига киритилган акцияларга сармоя киритадилар. Юқоридаги фикр мулоҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, исломий суғурта (такафул) қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: ғарар элементини енгид ўтишга иштирокчиларнинг бадаллари хайрия сифатида қаралиши туфайли эришилади; такафул фонди ихтиёрий хайрия ва ҳадялар ҳисобидан шакллантирилади;

такафул иштирокчиларининг муносабатлари ўзаро ёрдамга асосланади; такафул иштирокчиларининг бадаллари икки фондга бўлинади: табарру ва инвестиция фондиди; такафул фондида тўпланган маблағлар ҳар доим иштирокчига қайтарилади; иштирокчилар барқарор инвестиция даромадларини оладилар; такафул маҳсулоти турларига чекловлар мавжуд (шариат нормаларига мувофиқлиги); такафул фонди маблағларини инвестиция қилиш фақатгина шариат томонидан ман этилмаган молиявий операцияларга амалга оширилиши мумкин; шариат нормаларига мувофиқ мерос шартлари сақланиб қолади; такафул оператори фақат такафул фондини бошқаради; шариат кузатув кенгashi исломий суғурта ташкилотининг барча фаолиятини ислом хуқуқи нормаларига мувофиқлигини баҳолайди; такафул айирбошлиш шартномаси ҳисобланмайди; такафул иштирокчилари юзага келиши мумкин бўлган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарликни юклаш ўрнига сотиб олиш ўрнига, ўзаро ёрдам тизимида иштирок этиш ниятида табарру (эҳсон) тушунчаси асосида умумий суғурта пулига ҳисса қўшадилар.

Умуман олганда, исломий суғурта (такафул)нинг ишлаш моделини қўйидаги расм маълумотлари орқали ифодалаш мумкин.



1-расм. Исломий суғуртанинг ишлаш модели¹

Айрим ўринларда, исломий суғурта борасида нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги унинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу ўринда, исломий суғуртага оид нотўғри ва тўғри тушунчаларни қўйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин.

1-жадвал

Исломий суғурта бўйича шаклланган тушунчаларнинг фарқланиши²

Нотўғри тушунча	Тўғри тушунча
Исломий суғурта маҳсулотлари фақат мусулмонлар учун мўлжалланган	Мусулмон ва мусулмон бўлмаган барча иштирокчилар учун мўлжалланган

¹ Muallif ishlanmasi.

² Muallif ishlanmasi.

Рисклардан суғурталаниш Аллоҳга таваккал қилишга қарши	Аввал сабаблари кетказилиб сўнг Аллоҳга таваккал қилишга тарғиб қилинган
Такафул шартномаси ноодатий тушунчаларни ўз ичига олади	Исломий суғуртада ноодатий тушунчалар мавжуд эмас
Исломий суғуртанинг мақсади анъанавий суғуртадан фарқ қиласди	Мақсади ва амалга оширилишидаги ягона фарқи барча жараёнларнинг шариатга мувофиқлигидир

Хуноса. Исломий суғурта ёки такафул ривожланган айрим давлатларнинг тажрибаларидан қўриш мумкинки, миллий суғурта бозорларининг тижорат суғуртаси билан қамраб олинмаган соҳаларини айнан такафул суғуртаси орқали қамраб олиш ва кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Бир вақтнинг ўзида, жаҳон суғурта бозорида такафул ҳизматларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олсак, исломий суғуртани жорий этиш ва ривожлантириш долзарб бўлиб қолмоқдаки, бунинг учун аввало, унинг ташкилий, ҳуқуқий ва институционал масалаларини ҳал этиш лозим.

Исломий суғурта хизматлари турли молиявий инқирозлар даврида ҳам ўзининг молиявий барқарорлигини ва барқарор ривожланиш суръатларини намоён этганлиги билан иштирокчиларининг ишончини сақлаб қолган. Шу жиҳатдан, миллий суғурта бозорида исломий суғурта хизматларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралиб, уларни ҳал этиш қуидаги чоратадбирларнинг амалга оширилишини талаб этади:

- Шариат қонунлари, қоидалари ва принциплари асосида миллий суғурта тизимида исломий суғурта хизматлари бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Концепция ишлаб чиқиш;
- такафул операторлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда такафул инвестиция фаолиятини назорат қилиш бўйича миллий қонунчилик ҳужжатларини яратиш;
- исломий суғурта (такафул) хизматларини кўрсатишнинг ҳалол (шариат қонунларига мос) суғурта стандартларини ишлаб чиқиш;
- ҳалқаро суғурта амалиётида самарали ишлаб келаётган такафул суғурта компанияларининг тажрибаларини ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича суғурта назорати органлари фаолиятини ўрганиш;
- миллий суғурта бозорида такафул компанияларини ташкил этиш, исломий суғурта хизматларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва институционал механизмларини ишлаб чиқиш;
- аҳолининг исломий суғурта бўйича саводхонлиги ва маданиятини ошириш мақсадида такафул маҳсулотларининг хусусиятларини очиб бериш, таништирув ва амалий семинарлар ташкил этиш, ижтимоий реклама тадбирларини амалга ошириш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. www.maybank2u.com.my/business/other' services/islamic banking/maybank/takaful_concepts.shtml.
2. Такафул: исламское страхование. (<http://www.orientir.ae/kazakhstan/articles/finance/takaful/>).
3. Магомадова М.М. Функции тақафула в современных условиях // Теория и практика общественного развития. 2015. № 16. С. 67–69.

4. Беккин Р.И. Особенности исламского страхования (<http://www.takafol.ru/arts.php?art=1>).
5. Логвинова И.Л. Такафул как метод создания страховой защиты // <http://finanal.ru/012/takaful-kak-metod-sozdaniya-strakhovoi-zashchity?page=0,0>.
6. Rakaan Kayali The true difference between takaful and insurance // Practical Islamic Finance, 2016. Pp. 15-20.
7. Гезиханов Р.А. Исламская учетная система: особенности методологии // Вестник Чеченского государственного университета. Грозный, 2017. № 2. С. 120-125.
8. Турбина К.Е., Дадьков В.Н. Взаимное страхование. Учебник. М.: Анкил, 2007. 344 стр.
9. Юлдашев, О. (2020). Особенности развития страхования жизни. Экономика и Образование, 1(5), 208-211.
https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/5428
10. Yuldashev O. T. Ways of Development of Accumulative Life Insurance in Uzbekistan //Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance. – 2023. – Т. 4. – №. 1. – С. 99-107.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масьулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).